O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

Миллий Тикланишт
MILLIY TIKLANISH

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2008 йил 23 (460)-сон 4 ИЮНЬ Чоршанба

ТОШКЕНТ – ШАРҚ ДАРВОЗАСИ

Мамлакатимиздаги барча катта-кичик шаҳарлар ҳар борада Тошкентдан ибрат олади, унга эргашади. Чунки Тошкент диёримиз аҳли, халқимиз учун бирдек қадрли ва севимли шаҳри азимдир.

Пойтахтимизнинг жаҳон саҳнидаги мавқеи ҳам жуда баланд. ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар шафеълигида бу ерда ўтказилаётган барча маърифий тадбирлар шуни кўрсатмоқдаки, Бош шаҳримиз ҳақли равишда бугунги кунда дунёнинг маънавий марказига айланмоқда. Шу жиҳатдан ўтган йили таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — АЙСЕСКО томонидан "Тошкент — ислом маданияти пойтахти" деб тан олинишида ҳам рамзий маъно бор.

Олимларнинг таъкидлашича, шаҳарнинг ёши йигирма икки асрга тенг. Бизгача етиб келган маълумотларга асосланадиган бўлсак, Тошкентнинг қадимги номи "Чоч" деб аталган. VIII асрдан бошлаб эса манбаларда "Шош", "Шошкент", "Мадинат аш-Шош", "Бинкат" ва "Таркан" деб ҳам номланган. Ҳозирги кўринишдаги ном даставвал Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Қошғарий асарларида тилга олинган. Аслида Тошкент тошдек мустаҳкам шаҳар деган маънони англатади.

X асрга оид "Ҳудуд ал-олам" ("Оламнинг чегаралари") китобида ёзилишича, камони шошийлар бутун дунёга машҳур бўлган. Демак, пойтахтимиз асрлар мобайнида қадим Туркистоннинг маданият, илм-фан, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва диний марказларидан бири бўлиб келган. Буни бошқа манбаларда ҳам кўриш мумкин.Чунончи шарқшунос олим Абдусодиқ Ирисовнинг тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, Тошкент қадим замонлардаёқ кўз шифокорлари — офтольмологлари билан ҳам донг таратган. Улар "қаҳҳол", яъни ҳозирги тиббиётда катаракта (кўз қорачиғини парда қоплаши) деб аталувчи хасталикни жарроҳлик йўли билан даволай олиш маҳоратига эга бўлишган.

Тошкент заминида кўпгина табаррук зотлар камолга етишган. Масалан, муҳаддис ва муҳандис имом Шоший, Шайх Зайниддин бобо, шоир Бадр Чочий, Шайх Ховандн Тоҳур шулар жумласидандир. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор каби авлиёларнинг етишиб чиқишида ҳам бу шаҳарнинг маърифий-маънавий муҳити катта роль ўйнаган. Шунингдек, Аҳмад Яссавий авлодлари ва издошлари бўлмиш валийларнинг бу ерда мангу қўним топганларида ҳам ҳикмат кўп. Ғойиб ота, Қўшчи ота, Ваққос ота, Қўйлиқ ота, Занги ота янглиғ зотларнинг мурувватпеша ҳамда ҳожатбарорлигини халқ ҳамон ардоқлайди.

Эътироф этиш керак: истиқлол йилларида Президентимизнинг раҳнамолигида Тошкент нафақат Ўзбекистоннинг, балки жаҳоннинг ҳам энг йирик шаҳарларидан бирига айланди. Мамлакатимиз саноат корхоналарининг аксарият қисми ҳам шу ерда жойлашган. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш қуввати тобора ошиб бораётир. Жумладан, кейинги пайтларда қишлоқ хўжалиги учун трактор ишлаб чиқариш — 3, трактор тиркамалари ва рангли телевизорлар — 5, кондиционерлар — 6,5 бараварга кўпайган. Дунёнинг юздан ортиқ мамлакат компания ва фирмалари билан алоқалар ўрнатилганлиги сабабли ўтган йилнинг ўзидаёқ 2,6 миллиард сўмлик маҳсулот экспорт қилишга эришилди. Янги корхоналар қурилиб, ишга туширилаяпти. Демак, аҳолини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Фақат бугина эмас. Бу ерда республикамиз иқтисодий ва маънавий қудратини янада ошириш учун ёшларга таълим-тарбия беришда олий ўқув юртларининг кўплиги ҳам ўта муҳимдир.

Президентимизнинг 2008 йил 2 апрелда "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Бу барчамизни беҳад қувонтирди. Чунки оламшумул аҳамиятга эга бўлган пойтахтимиз тантаналари бутун дунё ҳамжамияти эҳтиромини ўзида акс эттиради. Яна шуни айтиш лозимки, Тошкент кундан кунга юксалиб бораётган шаҳардир. Даврлар суронидан омон ўтган бу қадимий гўша гоҳ ривожланган, гоҳ таназзулга юз тутган. Аммо тараққий этишдан асло тўхтамаган. Бугунги кунда пойтахтимиз орқали бутун Шарқни таниш, ўрганиш ва билиш мумкин. Чунки унинг интеллектуал салоҳияти, тобора гуллаб-яшнаётганлиги дунёни лол қолдирмоқда. У қадимдаёқ маърифий масканга айланиб улгурган эди.

Муаззам кентда тарихий обидалар кўп. Улар аждодларимизнинг юксак даражадаги тафаккур маҳсулидир. Бундан ташқари, табиий иқлими ҳам инсон ҳаёти учун қулай шарт-шароит яратади. Шундан бўлса керак, бу шаҳар "Нон шаҳри", "Дўстлик шаҳри", "Ислом маданияти маркази", "Шарқ дарвозаси" деган шарафларга муяссар бўлган. Демак, пойтахтимизнинг келгуси йилнинг март ойида нишонланадиган 2200 йиллиги нафақат халқимиз, балки дунё ҳамжамияти учун ҳам катта аҳамиятга эга воқеадир. Бинобарин, шундай азим шаҳримиз борлигидан кўксимиз ғурурга тўлгай! У билан ҳар қанча ифтихор қилсак арзийди! Зеро, мамлакат остонаси пойтахти азимдан бошланур.

Муродулла ҒАФУРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н·И

Ф. Ш. АКБАРОВАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ – ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Фарида Шораҳимовна Акбарова Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 2 июнь

Бу йил халқаро ҳамжамият одамзот озодлиги ва эркинликларини ҳимоя қилувчи энг муҳим ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини нишонлайди. Ушбу декларация мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг қўшилган биринчи халқаро ҳужжат ҳисобланади.

ФУҚАРО ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТИ

Демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ўтган 17 йил давомида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий халқаро ҳужжатга қўшилди. БМТ томонидан қабул қилинган олтита муҳим шартнома қатнашчисига айланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига

Таъкидлаш жоизки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидалари ва меъёрлари Ўзбекистон Конституциясида, шунингдек, фуқароларимиз эркинлигини таъминлашга қаратилган қонунларимизда ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш механизмлари яратилган ва улар изчил амалга оширилмоқда. Масалан, юртимизда қисқа фурсатда беш мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар ташкил этилди. Ўз-ўзини бошқариш органи бўлган маҳаллаларнинг ҳуқуқлари қонун йўли билан кенгайтирилди. Давлат ва жамият қурилиши соҳасида сиёсий партияларнинг роли ошди. Мустақил, хусусий оммавий ахборот воситалари фаолиятига кенг йўл очилди. Буларнинг бари фуқаролик жамияти қуриш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлардир.

Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратсак. Бир неча йилдирки, Юртбошимиз ташаббуси ила ҳар бир йил алоҳида ном билан аталиб келинади. Бунда ҳам инсон ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишдек улуғ мақсад мужассам. Мана, бу йил Ёшлар йили деб эълон қилинган. Шу муносабат билан махсус Давлат дастури ишлаб чиқилди. Унда мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқлари, манфаатлари, таъбир жоиз бўлса, баркамол инсон бўлиб етишишлари учун зарур бўлган барча имкониятлар яратиш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимояси устувор эканлигини ва у изчил амалга оширилаётганини яна шундан ҳам билиш мумкинки, собиқ иттифоқда биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинди, қамоққа олишга санкция бериш судларга ўтказилди. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноий хатти-ҳаракатлар рўйхатини сезиларли даражада қисқартириш эвазига 2007 йилда озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазо қўлланган шахслар сони 2000 йилга нисбатан икки баробардан кўпроқ қисқарди. Юртимизда ҳар юз минг аҳолига 138 нафар маҳбус тўғри келади. Бу дунёнинг энг ривожланган давлатларидаги кўрсаткичдан ҳам анча камдир. Бугун халқаро ҳамжамият бу борада Ўзбекистон тажрибасини қўшни давлатларга ўрганишни тавсия этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўлкамизда инсон ҳуқуқлари, унинг шаъни ва манфаатини ҳимоя қилиш борасида жуда катта ишлар қилинди ва у изчил давом этмоқда.

Фасиҳиддин СУЛТОНОВ,
ҳуқуқшунос.

Депутат халқнинг ишончли вакилидир. У давлат ва жамият олдидаги масъулиятини унутмасагина сайловчилар билдирган ишончни оқлай олади. Бу ишончнинг ортида миллатнинг тақдири, юрт ва давлат равнақи деган юксак тушунчалар турганлигини тўла маънода ҳис қилсак, депутатларга берилган ваколатлар катта масъулият эканлигини тушунамиз. Аслида, янги қонунларнинг яратилишида муаммоли, мулоҳазали жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш, таклифлардан ўринли фойдаланиш ижобий натижа беради. Депутатларнинг сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлари ана шу жиҳатлари билан фойдалидир.

ИШОНЧ – МАСЪУЛИЯТ ДЕМАК

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг регламентига асосан жойларда депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди. ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам ўз сайловчилари билан мулоқотда бўлишди.

33-Ғаллаорол сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган Абдуғафур Маматов корхона ва ташкилотларда, шунингдек, маҳаллаларда, бир қатор таълим масканларида бўлиб, учрашувлар ўтказди. Бундай мулоқотлар Ғаллаорол туманида 5 та, Бахмал туманида эса 7 та ҳудудда ташкил этилди.

Депутат сайловчилар билан бўлган юзма-юз мулоқотларда асосан мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида ахборот берди. Шунингдек, у қонунчилик соҳасидаги ўзгаришлар хусусида сўз юритиб, йиғилганларни фан, таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа бир қатор янги қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти билан таништириб ўтди.

— Сайловчилардан тушган саволлар асосан жойларда қонунларнинг ижросини таъминлаш юзасидан бўлди, — дейди депутат биз билан суҳбатда. — Улар суд-ҳуқуқ органлари соҳаси ва бошқа бир қатор мавзуларни қамраб олган. Шуниси қувонарлики, кейинги вақтда чекка ҳудудларда ичимлик суви, табиий газ таъминоти анча яхшиланган. Бу эса ҳокимият органларининг масъул вакиллари керакли ишларни олиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Жойларда ўтказилган йиғилишларда вилоят, туман кенгаши депутатлари ҳам иштирок этишди. Шу ўринда мавжуд муаммоларни жойларнинг ўзида ҳал қилиш учун ўтказилаётган юзма-юз мулоқотларда мутасадди раҳбарларнинг бевосита иштироки таъминланаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур деб ўйлайман.

ДАДИЛ ФИКРЛИ ЁШЛАР КЎП

101-Хонқа сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган Раъножон Зарипова Хонқа ва Урганч туманларида бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Депутат жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида ахборот берди. Шунингдек, миллий қонунчилигимиз ҳақида гапириб, парламент қуйи палатаси томонидан қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида атрофлича тушунча бериб ўтди. Жумладан, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ва унинг нормаларини бу соҳадаги муносабатларни тартибга солишнинг умумэътироф этилган жаҳон стандартларига мувофиқлигини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини ўзида ифода этган мазкур қонун Ўзбекистон ўзи қўшилган халқаро шартномалар ва конвенцияларга содиқ эканлигидан ва зиммасига олган мажбуриятларни қатъият билан адо этаётганлигидан яна бир карра далолат беради. Бундан ташқари, депутат "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик мажбурияти жавобгарлигини суғурта қилиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши эса мамлакатимизда суғурта тизими фаолиятининг ривожланишига асос бўлаётганлиги хусусида гапирди.

Ана шундай учрашувлар Хонқа туман ҳокимлигида, Хонқа педагогика ва спорт коллежи, Саноат коллежи, Маиший хизмат коллежида, Хонқа шаҳарчаси ва туманнинг Жирмиз қишлоғида, Урганч туманидаги Урганч саноат ва маиший хизмат коллежида ҳам бўлиб ўтди. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, котиблари ва фаоллари, педагоглар, врачлар, фермеру тадбиркорлар, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, ёшлар қатнашган ушбу тадбирларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раъножон Зарипова сайловчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берди.

— Йўл қурилиши, аҳолининг меҳнат билан бандлиги каби масалаларда ва фермер хўжалиги муаммолари ҳақида кўплаб саволлар берилди, — дейди Р. Зарипова. — Турли соҳа вакиллари, айниқса,

Сайловчи ва депутат

ёшларнинг қонунларнинг тегишли моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш мақсадида берган таклифларини эшитиб, уларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ҳаётга ўз нигоҳи билан қараётганликларидан қувондим. Ёшларнинг дадил фикри, айтган таклифлари ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган давлатимизда фуқароларнинг мақсад сари интилаётганлигини ифодалаб, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга эришаётганлигимизни ўзида намоён этиб турибди. Ниятим — дадил фикрли, ташаббускор ёшларимиз кўпаяверсин!

УЧРАШУВ ТАДБИРГА УЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 11-Тўқимачи сайлов округидан сайланган депутат Олимжон Ўсаровнинг сайловчилар билан дастлабки учрашуви Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида А. П. Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйида бўлиб ўтган байрам тадбирига уланиб кетди.

Шу куни 8 ёшдан 16 ёшгача бўлган тарбияланувчилар ўртасида «Бахтли болалигим» ва «Менинг орзум» мавзуларида иншолар танлови ҳам ўтказилди. Ғолиблар ва барча болажонларга совғалар улашилди.

— Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши мамлакатимиз ёшлари учун кенг имкониятлар эшигини очди, — дейди депутат Олимжон Ўсаров. — «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси бўйича жойларда бир қатор ишлар амалга оширилаётир. Ўзбекистон Давлат санъат институти қошидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти фаоллари ҳамда «Медиа плюс» газетаси ҳамкорлигида ташкил этилган бундай хайрли тадбирлар яна давом этади, деган умиддаман.

Шу куни Яккасарой туман Давлат солиқ инспекциясида ҳам сайловчилар билан мулоқот ташкил этилди. Йиғилишда сўзга чиққан депутат ўз сўзида 2008 йил бошидан кучга кирган янги Солиқ кодексининг мазмун-моҳияти тўғрисида атрофлича тўхталиб ўтди. Шунингдек, солиқ соҳасидаги ислоҳот жараёнларининг фойдали жиҳатлари, янги таҳрирдаги кодекснинг аввалги ҳолатидан кўра анча мукаммал эканлиги таъкидланди.

Депутат иштирокчилардан тушган саволларга тегишлича жавоб қайтарди. Йиғилишда сўзга чиққан солиқ инспекциясининг масъул ходимлари мамлакатимиз қонунчилик палатаси фаолиятини юқори баҳолаб, янги қабул қилинаётган қонунлар юзасидан фикрларини айтишди.

Юнусобод туманидаги маҳаллаларда яшовчи аҳоли билан ўтган мулоқотларда ҳам сайловчилардан турли мавзуларда саволлар тушди. Очиқ мулоқотлар асосан коммунал тўловлар тўғрисида бўлди, шунингдек, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятига бағишланди.

* * *

ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари, 62-Янгиер сайлов округидан сайланган депутат Хуршид Дўстмуҳамедов Янгиер академик лицейида ўз сайловчилари билан учрашди. Учрашувни Сенат аъзоси, лицей директори Мамараҳим Исроилов олиб борди. Тадбирда турли соҳа вакиллари ва лицей ўқувчилари иштирок этди. Шунингдек, 6-Саноат сайлов округидан сайланган Сарвар Абдуллаев, 103-Шовот сайлов округидан сайланган Умид Исмоилов, 116-Элликқалъа сайлов округидан сайланган Бахтиёр Кушакеев, 77-Паркент сайлов округидан сайланган Шарифа Салимова, 82-Янгийўл сайлов округидан сайланган Мунира Қориева, 66-Жарқўрғон сайлов округидан сайланган Жума Чоршанбиев, 20-Қўрғонтепа сайлов округидан сайланган Абдурашид Тўхтабоевлар ҳам ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказди. Аҳоли билан ўтган очиқ мулоқотлар, давра суҳбатларида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, қонунчилик соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида сўз борди. Шунингдек, депутатлар жойларда ҳукумат қарорлари ва фармонлар ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, шу хусусда сайловчилар билан фикр алмашишди.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.

Ўзбекистонда туб ўзгаришлар жараёнларидаги давлатнинг бош ислоҳотчилик ўрни фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёнларида ҳам намоён бўлди. Президент И. Каримов ташаббуси билан Миллий мустақиллик арафасидаёқ кўппартиявийлик тизимини жорий этиш, давлат ва ҳукуматга қарашли бўлмаган жамоат бирлашмалари тузилмаларини эркин фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга интилиш илк сиёсий ислоҳотларнинг бош мақсадларидан бирига айланган эди.

Тарихий ҳақиқат саҳифалари

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ:

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Ўн тўққизинчи мақола

Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида фуқаролик жамиятини қуриш соҳасида эришилган ютуқларни қуйидагича баҳолаганди: "Ўтган давр мобайнида фуқаролик жамияти институтларини эркин ривожлантириш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ва қондириш, муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни бажариш борасида уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишни таъминлайдиган зарур меъёрий-ҳуқуқий база, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар яратилгани ҳам бу соҳадаги катта ишларимиздан бўлди десак, янглишмаган бўламиз".

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошидан давлат бош ислоҳотчи сифатида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш ислоҳотларини бошлади. Ҳаттоки, ҳали мустақиллик эълон қилинмай туриб Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонунни (1991 йил 15 февраль) қабул қилган эди.

Мустақил юртимизда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланишида 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси муҳим аҳамият касб этди. Бош Қомусимизнинг ғоялари, мақсадлари, руҳи, унинг ҳар бир қоидаси «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», бир неча асрлар мобайнида илғор ва етакчи мамлакатларда шаклланган демократик қадриятлар, миллий давлатчилик, шунингдек, авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган миллий ва шарқона давлатни адолатли идора этиш ҳамда халқ билан бамаслаҳат сиёсат олиб бориш анъаналарини ҳам ўзида мужассамлаштирди.

Мамлакат тарихида биринчи марта Конституциянинг 2-моддасида қуйидаги халқ суверенитетига хос қоида эълон қилинди: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар». Мазкур моддада илк бор фуқаролик жамияти амал қилиши мумкин ҳуқуқий асос мужассамлашди. Ушбу ҳуқуқий қоидани Конституциянинг 7-моддаси қуйидаги талқинларда янада ривожлантирди: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади».

Албатта, Конституциянинг бу моддаси «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 21-моддасига «Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим», деган демократик принципнинг жамиятимизда ҳар томонлама рўёбга чиқиши учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берди. Шунингдек, Конституциянинг 9-моддасида давлат ҳокимияти сиёсатининг халқ манфаатлари, истаклари асосида амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси ифодаланди: «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади».

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ҳар қандай давлатда ҳам рўй бермайди, албатта. Бу жамиятнинг шаклланиши учун фақат ҳуқуқий давлатгина ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб бериши мумкин. Ҳуқуқий давлат амал қилишининг энг асосий шарти эса давлат ҳокимиятининг учга бўлиниш принципини ҳаётда амалга оширишдир. Шунинг учун ҳам Конституциямизнинг 11-моддаси мамлакат сиёсий тизимида амал қилиши мақсадларида мазкур принципни қуйидаги мазмунда ифодалаб берди: «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади». Албатта, мазкур модда мамлакат парламентида — қонун чиқарувчи ҳокимиятида фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини мукаммал тарзда ишлаб чиқишни таъминлаб берди.

Фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти институтлари билан мувозанат сақлаши, жамият институтларини давлат органларида мустақил фаолият кўрсатиши, жамият ва давлатни ривожлантириш омилларидан бири, бу сиёсий плюрализмдир. Жамиятда плюрализмнинг етишмаслиги оқибатида фуқаролик жамияти институтларини давлат ўз тизимига «ютиб» юборишини тарих исботлаб берган. Шунинг учун ҳам Конституциямизнинг 12-моддасида сиёсий плюрализмни давлат ва жамиятнинг яшаш принципи сифатида эътироф этилиши фуқаролик жамияти институтларини ривожланишига ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб берди. Хусусан, 12-модда қуйидагича талқин қилинади: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас».

Конституциянинг 13-моддасида фуқаролик жамиятининг яшаши учун муҳим бўлган шарт-шароитлардан яна бири — инсон эркинлиги ва ҳуқуқини таъминлашга қобил бўлган демократик принципларни давлат ҳокимияти ва жамият ҳаётини ташкил этишнинг асоси ва олий қадрият сифатида эътироф этилади: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».

Конституциянинг еттита моддадан иборат «Жамоат бирлашмалари боби» республикада фуқаролик жамияти институтларини қарор топтириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий жиҳатдан шарт-шароитлар яратиб берди. Унда «жамоат бирлашмаси», «касаба уюшмалари», «сиёсий партиялар» каби тушунчаларга ҳуқуқий аниқликлар киритилиб, улар энди демократик талқинлар асосида таърифлана бошланди. Айниқса, 58-моддадаги «Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди" каби демократик принципларнинг Асосий қонунда ифодаланиши республикада давлат ва халқнинг инсоният ҳаётининг бир неча асрлик тажриба ва синовларидан ўтган фуқаролик жамияти сари интилаётганлигини англатади.

Мамлакатда халқ манфаатлари ва сиёсий иродаларини эркин билдириш ва уларни эркин ифода этиш учун ҳуқуқий асослар ҳамда эркин сиёсий муҳит яратилиши билан ҳамоҳанг тарзда сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат жамоат бирлашмалари ҳам тузила бошланди. Шунингдек, собиқ иттифоқ даврида фаолият кўрсатган нодавлат жамоат бирлашмаларини демократик ҳуқуқий асослар ва талаблар асосида қайтадан ташкил этиш жараёнлари бошланди. Республикада Миллий мустақиллик асосларини яратишга доир ислоҳотлар жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва ўзбек халқи менталитетига хос бўлган анъаналарни уйғунлаштириш асосида кеча бошлади. Шунингдек, бу жараёнларга яна жамиятни демократлаштириш ислоҳотлари ҳам уйғунлашди. Мамлакатда демократик қадриятлар асосидаги ҳуқуқий асосларнинг яратилиши фуқаролик жамиятининг пойдеворини ташкил этди.

Ўзбекистонда нодавлат ташкилотларга доир қонунчилик ривожланган мамлакатлар, халқаро ҳуқуқий меъёрлар ва миллий тажриба асосида қабул қилинган бўлиб, у демократик принциплар талабларига ҳар томонлама жавоб бера олади. Давлат бош ислоҳотчи сифатида ўз вазифасидан келиб чиқиб нодавлат ташкилотларнинг қонунчилик асосларини ҳар томонлама ривожлантириб борди. Парламентда нодавлат ташкилотларни мувофиқлаштиришга доир юзлаб қонунлар ва бошқа ҳуқуқий меъёрлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг ичида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун (1999 йил 14 апрель) нодавлат ташкилотларнинг серқирра фаолиятини ҳар томонлама мувофиқлаштиради ва бу уларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлайди. Қонуннинг 2-моддасида «Нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчаси» таърифи келтирилган: «Нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади».

Ўзбекистонда нодавлат ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида қуйидагича таърифланади: «Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин. Давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига аралашишига, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди». Албатта, бу модда мамлакатимиз Конституцияси 58-моддасининг асосий мазмунини такроран мустаҳкамлайди.

Қонуннинг 4-моддаси нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ўзаро муносабати асосларини белгилаб беради. Давлат бир томондан, қонуний асосда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлайди, иккинчи томондан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш масъулиятини зиммасига олади. Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларининг амалга ошишини кафолатловчи шарт-шароитлар яратади, барча давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг зиммасига қонун талабларини сўзсиз ижро этиш талабини юклайди, зарур ҳолатларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳар хил тажовузлардан ҳимоялайди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя этилишини мавжуд барча ҳуқуқий усуллар билан ҳимоя этишга ҳақлидир.

Қонуннинг 4-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг молиявий ва мол-мулк манбаини шакллантириш, ички тизилма ва асосий фаолият йўналишларини ўз ихтиёри билан ўзи белгилаш масалаларида тўла мустақилдир. Давлат ва унинг органлари, мансабдор шахслар нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига аралашишларига йўл қўйилмайди, шунингдек, қонунда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари ҳолларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятлари давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайди.

Шунингдек, ривожланган мамлакатлар ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари ҳамда миллий қонунчиликдан келиб чиқиб давлат қуйидаги йўналишларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини назорат этиш ҳуқуқига эгадир:

— давлат молия органлари нодавлат нотижорат ташкилотлари мулкий манбасининг шакллантирилишини назорат этиши мумкин (Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ);

— нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида амалга ошиш лозимлиги давлат томонидан назорат этилади (Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ);

— нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олган давлат органи мазкур ташкилотлар фаолиятлари йўналишларининг улар низоми доирасида бўлиши назорат этилади (Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ);

— нодавлат нотижорат ташкилотлари анжуманлари ва тадбирларда давлат органларининг вакили иштирок этиши мумкин;

— нодавлат нотижорат ташкилотлари статистика ва солиқ органларига ўз вақтида ҳамда тегишли тарзда ҳисобот беришларини назорат қилади (Қонуннинг 33-моддасига мувофиқ).

Давлат органлари билан нодавлат ташкилотлар ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги фаолиятини «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси ҳуқуқий жиҳатлардан мувофиқлаштиради.

Ўзбекистонда нодавлат ташкилотларга доир қонунчилик нотижорат ташкилотига муайян ҳуқуқлар бериши билан бирга, маълум мажбуриятларни ҳам юклайди. Нодавлат нотижорат ташкилоти ўз ҳуқуқларини амалга ошириши давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини поймол этмаслиги керак.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлатнинг бош ислоҳотчилик фаолияти натижасида нодавлат ташкилотларнинг демократик принциплар асосидаги ҳуқуқий асослари шакланди. Шу билан бирга, фуқаролар онги ва фаолиятида демократик қадриятлар асосидаги ҳуқуқий ва сиёсий маданият вужудга келди. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида халқимиз ўз манфаати ва иродасини нодавлат нотижорат ташкилотлар воситасида ифода этиш, ҳимоя қилиш, ижтимоий--сиёсий жараёнларда иштирок этиш тажрибасини эгаллади. Қисқа давр ичида фуқаролик жамияти қуришнинг пойдевори — конституциявий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Ислоҳотлар натижасида сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотлар тизими шакланди. Муҳими, нодавлат ташкилотлар билан давлат ҳамкорлиги натижасида мамлакатда нодавлат ташкилотларнинг мустақил фаолият юритиши, давлат ва жамият ишларини бошқариши учун катта имкониятлар яратилди.

Мунирахон ҚОРИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ҲАЁ – ХАЛОСКОР, ЛАТОФАТ – МАНГУ

Тақдимот

Пойтахтимиздаги «Шарқ зиёкори» китоб дўконида адабий тадбирлар, ёзувчи, шоирлар билан учрашувлар, бадиий кечалар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Илгари бундай бадий кечалар турли ўқув даргоҳларида бўлиб ўтар эди. Китоб ихлосмандларини тўплаб, муаллифлар билан учрашувлар ташкил қилиш одат тусига кираётгани бугун «Шарқ зиёкори» ўз номига муносиб иш қилаётганидан далолатдир.



Яқинда бу ерда яна бир учрашув, яъни серқирра адиб Иброҳим Ғафуровнинг «Ҳаё — ҳалоскор» ва «Мангу латофат» китобларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. «Шарқ» НМАК бош таҳририяти томонидан чоп этилган адабиётшунос олим, моҳир таржимон Иброҳим Ғафуровнинг «Мангу латофат» деб номланган иккинчи сайланма китоби нашрдан чиққанига ҳали узоқ вақт бўлмасада адабиёт ихлосмандларнинг кўнглидан муносиб жой олиб улгурди, десак муболаға бўлмайди.

Тадбирни «Гулхан» журнали бош муҳаррири, ёзувчи Ашурали Жўраев олиб борди. У китобхонларни юзма-юз учрашув билан табриклаб, бу бебаҳо асарлар теран нигоҳли олимнинг узоқ йиллар давомидаги кузатишлари натижасида дунёга келганлиги ҳақида гапирди.

Учрашувда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева, адабиётшунос олимлар Умарали Норматов, Муҳаббат Шарафиддинова, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Ахмаджон Мелибоев, шоир ва ёзувчилардан Азим Суюн, Хуршид Дўстмуҳаммад иштирок этишди.

Кўнгилдан чиққан сўз кўнгилга етиб боради, дейдилар. Тадбир иштирокчилари таъкидлашганидек, ҳар икки китобни ўқиган кишида ҳам адабиётшунос олимнинг оламни шоирона нигоҳ билан кўриши, қалбида кечган туйғуларни мансуралар орқали акс эттирганини дилдан ҳис қилади. «Ҳаё — ҳалоскор» китобини қўлимиздан қўймай туриб, китобнинг узвий давоми бўлган «Мангу латофат»нинг нашр этилиши адибнинг кейинги йилларда шижоат борасида ёш ёзувчи- шоирларга ўрнак бўларли даражада ижод қилаётганидан далолат бериб турибди, назаримда. Улардан ўрин олган миллатнинг чин маънодаги зиёлилари бўлган Беҳбудий, Фитрат, Усмон Носир, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Асқад Мутор, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги эсселар ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Инсоният яралибдики, ўз-ўзини англашга интилади ҳамиша. Қалб бир уммон, унинг тубига шўнғиб борганинг сайин дуру маржонларга, сир–синоатга тўла бошқа бир оламга кириб бораверасан. Ҳамма даврларда ҳам одам ва оламни идрок этиш учун хизмат қилган асарлар энг ноёб дурдоналар ҳисобланган. Бу китоблардаги ҳар бир эссе мазмун-моҳияти билан мана шундай жавоҳир дейишга лойиқдир.

Қизиқарли ўтган учрашувда талабалар, адабиёт ихлосмандлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

М. РАҲМАТОВ.

САФИМИЗДА ТАЛАБАЛАР КЎП

ЎзМТДП вилоят кенгашларида

Жиззах давлат педагогика институтида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг қалбида юртга содиқлик, миллатга муҳаббат туйғуларини ўстириш мақсадида мунтазам равишда турли хил танловлар, тадбир ва давра суҳбатлари ўтказиб турилади.

Бундай учрашувларда зиёлилар, маънавият тарғиботчиларининг иштирок этиши яхши самара бермоқда.

Яқинда олий ўқув юртида ЎзМТДП вилоят кенгаши ташаббуси билан "Ёшларини эъзозлаган юрт" номли тадбир уюштирилди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда институтнинг тарих факультети талабалари иштирок этишди.

Тадбирни вилоят кенгаши бош мутахассиси Ш. Мусаева очди.

— Ҳар бир жамият келажаги, равнақи унинг ёшларга бўлган муносабати билан узвий боғлиқдир, — деди у ўз сўзида. — Зеро, юртнинг эртанги эгалари учун бугун қулай шароит яратилса, имконият йўллари очилса, улар келажакда комил инсон бўлиб етишадилар. Шу маънода истиқлол йилларида ёшлар учун яратилган имкониятлар мамлакатимиз раҳбарининг бир қатор фармон ва қарорларида ўз аксини топмоқда. Сафимизда талабалар кўп. Улар бундай эътиборга муносиб жавоб қайтариши зарур. Бунинг учун пухта билим эгаллаш, интилиш, изланиш, юрт ва миллатга фидойилик, ватанпарварлик билан яшаш лозим, албатта.

Йиғилишда сўз олган Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят бўлими ходими Ботир Узоқов, вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" раиси Шариф Очилов "Ёшлар йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, унда кўзда тутилган вазифалар қамрови ҳақида гапириб, асосий эътиборни уларга яратилаётган имкониятларга қаратишди.

Тадбир савол-жавоб асосида қизиқарли ўтди. У очиқ мулоқот тарзида ўтгани учун ҳам йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Шерзод ПРИМОВ,
ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши "Ташаббускор гуруҳи" раиси.

Солиқ тизимини ислоҳ қилишда янги Солиқ кодекси муҳим аҳамият касб этмоқда. Унда кўзда тутилган меъёр ва қоидалар аввало, солиқ тизими ва муносабатларини унификация қилиш, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилаётганлиги билан ҳам эътиборлидир.

КАССА МАШИНАСИ ИШЛАТИЛМАГАЧ...

Солиқ тизими

Соҳада юзага келган шундай шарт-шароит ва имкониятлар тадбиркор ва ишбилармонларга қатор қулайликларни яратибгина қолмай, уларнинг қизғин фаолият кўрсатишларини ҳам таъминламоқда. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, мажбуриятларини унутиб, амалдаги тартиб-қоидалардан бўйин товлаётган тадбиркорлар ҳамон учраб турганлиги ажабланарлидир. Хусусий тадбиркор Алиқул Раҳмонов аввалига қонуний равишда иш олиб борди. Унга қарашли Шаҳрисабз туманидаги Аспижаллоб кўчасида жойлашган "Автомобиль эҳтиёт қисмлари дўкони"да савдо яхши бўлиб, кунлик пул тушумлари кўпайди. Қарасаки, тадбиркор пичоғи мой устида. Топиш-тутишини бундан ҳам яхшиласа бўлади. У аста савдо пулларини кассага эмас, кассага урадиган одат чиқарди. Ноқонуний савдони кучайтирди. Бу ҳолат синчков ходимларимизнинг эътиборидан четда қолмади. Дўконда қисқа муддатли текшириш ўтказилганда 11 минг 900 сўмлик маҳсулотнинг пули кассага кирим қилинмасдан, харидорга бериб юборилган. Пештахталар синчиклаб текширилганда ҳеч қандай ҳужжат ва сертификатсиз 38 миллион 83 минг 500 сўмлик эҳтиёт қисмларнинг савдога қўйилганлиги маълум бўлди. Тадбиркорнинг ноқонуний савдосига чек қўйилди.

Тумандаги "Зайнитдинов Шерзод Каримович" хусусий корхонасида ўтказилган текшириш ҳам шундай якун топди. Корхона раҳбари Шерзод Зайнитдинов ишлаб чиқариш мақсадида олинган 28132,9 минг сўмлик унни назорат-касса машинасидан ўтказмай, аҳолига нақд пулга сотиш билан шуғулланиб келган. Пул банк муассасасига топширилмасдан, бошқа мақсадларга ишлатиб юборилган. Гарчанд, ўзида улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлмасада, у 24 миллион 399,6 минг сўмлик улгуржи савдони амалга оширган.

Хусусий тадбиркор Шуҳрат Зайнитдинов эса ишлаб чиқариш мақсадида олинган 9 миллион 765,1 сўмлик ун маҳсулотини НМКдан ўтказмасдан аҳолига нақд пулга сотиб юборди. Ундан тушган савдо пулларини банк муассасасига топширмади. Бошқа мақсадларга ишлатди. Ҳеч қандай лицензиясиз 8 миллион 560 минг сўмлик улгуржи савдони амалга оширди. "Шабада Ш" корхонасига қарашли ошхонада олиб борилган қисқа муддатли текшириш пайтида ҳам назорат-касса машинасига 7900 сўм савдо пули кирим қилинмаган. Ошхона фаолияти синчиклаб ўрганилганда 2 миллион 24,5 минг сўмлик тушумнинг Вазирлар Маҳкамасининг 280-сонли қарорига зид равишда банкка топширмасдан бошқа мақсадларга ишлатиб юборилганлиги ошкор бўлди. Ҳозирги кунда юқоридаги ҳолатлар бўйича тўпланган материалларга асосан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Инспекциямиз шу йилнинг 1 июнига қадар Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарорига асосан 20 дан зиёд текшириш ўтказиб, чет элда ишлаб чиқарилган, божхона божи тўланмаган, сифат сертификатига эга бўлмаган ва эгри йўллар билан олиб келинган 42 миллион 231 минг сўмлик маҳсулотнинг йўлига ғов қўйишди. Улар суд қарори билан давлат фойдасига мусодара қилинди. Халқимиз, қиғир иш-келтирар ташвиш, деб бежиз айтмаган.

Даврон ЖАББОРОВ,
Шаҳрисабз туман ДСИ бошлиғи.

«МИКРОКРЕДИТБАНК»: ТАДБИРКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг салмоғи йил сайин ортиб бораётир. Бу хусусий мулкчиликнинг ҳуқуқий асослари яратилгач жадал ривожлана бошлади. Тадбиркорлик, хусусан, кичик бизнес ҳамда фермерликни қўллаб-қувватлаш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларида аҳолининг кенг табақаларига микрокредитлар ажратишни янада кенгайтириш мақсадида Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Ўтган давр мобайнида банкнинг белгиланган устав капитали тўлиқ шакллантирилди ва айни пайтда бу кўрсаткич 75,6 миллиард сўмни ташкил этди. Молиявий муассаса иш бошлаганидан ҳозирга қадар кичик бизнес субъектларига 72 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратди. Хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларига кредит бериш 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 2,2 марта ортди. Ажратилган маблағлар ва кўрсатилган микролизинг хизматлари ҳисобига мамлакатимизда 40 мингдан ортиқ янги ишчи ўринлари яратилди.

Айни пайтда аҳолига сифатли ва қулай банк хизматлари кўрсатадиган банкнинг 75 та филиали ва 273 та мини банки фаолият юритаётир. Айниқса, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида аёл тадбиркорларга 11,1 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратди ва шу ҳисобдан 12 минг 322 та иш ўринлари ташкил этилди. Ажратилаётган микросармоялар фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга, уларнинг моддий-техник базасини шакллантиришга, айниқса, янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига имтиёзли, энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоригача бўлган суммада кўрсатилган микролизинг хизматлари улар учун ўз техникасига эга бўлиш имконини бермоқда. Ўтган йилнинг ўзида 6,9 миллиард сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилиб, фермер хўжаликларига 3,1 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалиги техникалари етказиб берилди.

Тадбиркор ўз фаолиятини бошлашдан тортиб, ўз цехини замонавий саноат корхонаси даражасига етказгунига қадар банк билан бемалол мулоқот қилиш имкониятининг яратилиши айни муддао бўлаётир.

Амалга оширилаётган ишларда банкнинг Андижон вилоят филиалининг ҳам ўз ўрни бор. Бугунги кунда вилоятда молиявий муассасанинг 8 филиали, 19 мини банки ва битта агентлиги мижозларга хизмат кўрсатаётир. Аҳолининг микромолиявий хизматларга эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бораётгани қувончли. Ўтган бир йил ичида мижозлар сони икки баробарга кўпайгани ҳам фикримиз далилидир.

Илгари мижоз банкка келиб мурожаат этган тақдирда, банк томонидан молиявий кўмак берилган бўлса, эндиликда қўйилган вазифалар моҳиятидан келиб чиқиб, вилоят, туманлар ҳокимликлари, маҳалла бошқарув тизимида бўлган мутасадди ходимлар билан биргаликда ҳар бир хонадонга кириб, уларда тадбиркорликнинг қандай тури билан шуғулланиш истаги борлиги ва сармояга бўлган талаблари ўрганилаётир. Тадбиркорлар ва ушбу фаолият билан шуғулланиш истагида бўлганларни, айниқса, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида семинар ва давра учрашувлари ташкил этилиб, микрокредит ҳамда микролизинг моҳияти, қулайлиги кенгроқ тушунтирилиб борилаётир.

Микромолиявий сармоялар ажратишдан олдин банк томонидан ташкил этилаётган семинарлар ва бепул консалтинг хизматлари мижозларга кредит ҳужжатларини тайёрлашда қулайлик яратаётир. Вилоят филиали томонидан ажратилган микрокредит ва кўрсатилган микролизинг натижасида 10 минг 182 та янги иш ўринлари ташкил этилиб, вилоятнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётганлар ҳам иш билан таъминланди. Энг қувончлиси, ишга жойлашганларнинг олти мингдан ортиғини аёллар ташкил этади. Микрокредитлар кам таъминланган оилаларга кириб бораётгани ҳам аҳамиятлидир.

Бугун вилоят филиалида маблағлардан фойдаланаётган ишбилармон ёки кичик бизнес вакиллари салмоғи ортиб бораётир. Мижозларнинг 72,6 фоизи бошланғич сармоялар билан фаолиятларини ривожлантираётир. Пахтаобод туманида "Микрокредитбанк" сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида" мавзуидаги кўргазмали семинарда банк мижозларининг қўлга киритаётган ютуқлари билан яқиндан танишиш имконияти яратилди.

Тадбиркорлик кўламларини кенгайтириш ва халқимизни зарур маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш борасидаги энг намунали мижозлар қўлга киритган ютуқлар намойиш этилган республика анжуманида "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки бошқаруви аъзолари, департаментлар, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вилоят филиаллари раҳбарлари, водий вилоятларидаги филиаллар ва мини банклар раҳбарлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Фармон ва ижро

Кейинги пайтда ҳунармандчилик, зардўзлик, кулолчилик, тикувчилик, мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, сартарошхона хизматлари кўрсатиш, пайвандчилик сингари мақсадлар учун микросармоялар олишга талаб ортиб бормоқда. Масалан, Марҳамат тумани Қорақўрғон қишлоғига хос бўлган фаолият тури жун рўмол тўқишдир. Қишлоқнинг олти нафар қўли гул аёлига ажратилган бошланғич сармоя хотин-қизларни тадбиркорликка қизиқтириб юборди. Жундан тўқилган бежирим рўмолларини намойиш этаётган Нурия Сатторова, Нигора Абдуазимова каби тадбиркор аёллар билан қилган мулоқотимизда улар банк хизматидан миннатдор эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Банкнинг Куйганёр филиали мижози "Муштарий бону Хуснидин" ишлаб чиқариш корхонасига айланма маблағларни тўлдириш ва фаолиятини кенгайтириш йўналишига ажратилган микрокредит ҳисобига аҳоли кундалик турмуши учун ниҳоятда зарур бўлган кигиз тайёрлаш йўлга қўйилди. Олтинкўл туманида эса тадбиркорлар талабига асосан кулолчилик учун микрокредитлар ажратилди.

Банк мижози бўлган Шаҳрихондаги "Кандакор" хусусий кичик корхонаси миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш жараёнида ишлаб чиқараётган маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда сотиб келмоқда. Ўтган йили корхона томонидан 5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Йил давомида ёшларга 15 та янги иш ўрни яратилди. Шундан ўнтаси меҳнат шартномаси асосида касаначилик билан шуғулланаётир. Ҳунармандчилик ва пичоқчилик билан шуғулланаётган касаначилар бир йилда 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Корхона томонидан уларга хомашё ва керакли жиҳозлар етказиб берилмоқда. Кичик корхона раҳбари уста Содиқжон Неъматов ҳозиргача элликдан ортиқ шогирд тайёрлади. Шулардан 31 нафари мустақил иш юритаётир.

Пахтаобод туманидаги "Ҳунарманд касаначи" унитар корхонасига 24,8 миллион сўмлик фотосуратлар ишлаб чиқариш ускуналари, Хўжаобод туманидаги "Али-Фамеу" хусусий корхонасига 30 миллион сўмлик трикотаж маҳсулотлари тайёрловчи ускуналар микролизинг асосида етказиб берилди. Натижада ҳар икки корхонанинг фаолият микёси кенгайди, ўндан ортиқ янги иш ўрни очилди. Пахтаобод туманидаги "Уйғур" қишлоқ фуқаролар йиғини "Соҳил" маҳалласидаги "Рамазанова" хусусий корхонасига ажратилган бошланғич сармоя маҳаллий аҳолига хос бўлган дурра ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга имконият берди. Тадбиркор тайёрлаётган бежирим дурралардан маҳаллий аҳоли тўй маросимларида совға сифатида фойдаланадилар.

— Мижозларимиз орасида ишбилармонликнинг ойдин йўлига чиқиб олганлари борлигидан фахрланамиз, — дейди банкнинг Андижон вилояти филиали бошлиғи Дилшод Сатторов. — Яна бир қувончли хабар — филиалимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган "Ташаббус — 2007" вилоят кўрик-танловида «йилнинг энг яхши молия муассасаси» деб топилди. "Ёшлар йили" Давлат дастуридаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида вилоят "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда чора-тадбирлар белгилаб, ишлар йўлга қўйилди.

"Микрокредитбанк" банки томонидан "Ёш тадбиркор томонидан тақдим этилган энг яхши лойиҳа" кўрик-танлови эълон қилинди. Танловга тақдим этилган қирқдан ортиқ лойиҳа банк томонидан молиялаштирилди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" танлови эълон қилинди. Албатта, бундай тадбирлар ёшларда янада рағбат уйғотиб, уларни тадбиркорликка чорлайди.

Юқорида қайд этилган ютуқлар ва маълумотлар билан семинар қатнашчилари бафуржа танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Семинар якунида Пахтаобод қурилиш касб-ҳунар коллежи, енгил саноат касб-ҳунар коллежи талабаларидан бир гуруҳига микрокредитлар топширилди.

Кўргазмали семинар ишида Андижон вилояти ҳокими А. Усмонов, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси Ж. Сайфиддинов иштирок этди.

Ўринбой КЕНЖАЕВ. ®

Навоий вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида ёшларнинг етук мутахассис бўлиб етишишлари учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган ўқув юртлари кўп. Навоий педагогика коллежи улар орасида рейтинг кўрсаткичлари юқори жамоалардан бири сифатида ажралиб туради.

КОЛЛЕЖДА ЁШЛАР БОҒИ

Ўқув даргоҳи остонасидан кириб борар экансиз, саранжомсаришта, кўркам ҳовли, гулзор кўзингизни қувнатади. Бинонинг ёнгинасида барпо этилган Ёшлар боғида мевали ва манзарали дарахтлар барқ уриб ўсмоқда. Бу манзарани кўрган киши бу ерда хизмат қиладиган кишиларнинг ҳар бир ишга жиддий ёндашишига амин бўлади.

— Эришаётган ютуқларимиз аввало мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, қолаверса, аҳил жамоамизнинг самарали фаолияти натижасидир, — дейди коллеж директори Олим Сувонов. — Ўтган йили коллеж янги бинода фаолият юрита бошлагач, ёшларнинг замон талаблари даражасида пухта билим олишлари учун зарур барча шарт-шароитлар муҳайё этилди. Талабалар ҳам бу эътиборга муносиб жавоб қайтариш мақсадида ютуқлари билан ишончимизни оқлашмоқда.

Талабалар билан суҳбатлашдик, уларнинг билим олиш жараёнлари, яратилган шароитлар билан яқиндан танишдик.

— Таълим-тарбия йўналишидаги дарсларда ёшлар фаол иштирок этишади, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Ирода Ҳасанова. — «Соғлом турмуш тарзи» фани уларнинг севимли машғулотига айланган. Тиббий маданиятни шакллантириш, спорт ва жисмоний тарбия инсон саломатлиги учун нақадар зарурлигини бўлғуси педагог-мураббийлар, тарбиячилар яхши тушунишади, албатта.

Таълим масканларида

Устознинг гапида жон бор. Спортнинг миллий кураш турига ихлоси баланд қизлар — Юлдуз Ўралова, Гулчеҳра Сайилхонова, Шаҳло Жонибековалар аллақачон коллежнинг фахрига айланишган. Улар кетма-кет эришаётган ютуқлари билан бошқа тенгдошларига ҳам ибрат бўлишаётир. Ўқув масканидаги «Баркамол қизлар» ва «Моҳир қўллар» каби касб-ҳунарга йўналтирилган тўгараклар фаолияти ҳам вилоят касб-ҳунар коллежлари жамоаларига намуна бўлаётир. Тўгарак аъзолари ясаган юмшоқ ўйинчоқлар, зардўзлик ва каштачилик буюмлари кўзни ҳайратга солади. Фаол, ташаббускор устозлар ва талабалар етакчилигида ўтаётган маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ёшларнинг ҳар томонлама баркамол, малакали мутахассис бўлиб етишишларига хизмат қилаётир.

«Миллий ғоя — бизнинг ғоя», «Табиатнинг ўзи табиб», «Дунё гўзаллиги сендадир» каби бир қатор мавзулардаги танловлар, семинар-йиғилишлар навқирон авлод вакиллари қалбида нафосат ва гўзаллик каби ноёб хислатлар шаклланишига хизмат қилмоқда. Мунтазам ўтказиб келинаётган «Очиқ дарслар» устозлар учун ҳам, шогирдлар учун ҳам бирдай маҳорат мактаби бўлаётир. Улар ота-оналар, маҳалла, жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигида ташкиллаштирилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. «Аёл — ҳаёт чироғи» мавзуидаги очиқ тарбиявий соатлар барча гуруҳларда ўтказиб келинмоқда. Кафедралар, илмий кенгаш, ҳатто педагогик кенгаш йиғилишларида долзарб мавзулар кун тартибига чиқарилиб, чуқур таҳлил этилади. Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётир. Ижобий натижалар эса фақат ривожланиш сари етаклайди.

Ёш санъатсеварларни жамлаган «Нафосат», «Тановар» ва «Хор» ҳаваскорлик гуруҳлари фаолияти ҳам кун сайин такомиллашиб бормоқда. Гуруҳ аъзолари вилоят миқёсида ўтказилган турли хил тадбирларда фаол иштирок этиб келишади. Ёшлар йилида ўқув юртида Ёшлар боғи ташкил этилди. 320 туп мевали ва 650 туп манзарали дарахт кўчатлари, 250 туп ноёб гул кўчатлари экилди. Бунда, албатта «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти аъзоларининг ташаббускорлиги қўл келди.

Коллеж жамоаси «Хўжа Хисрав», «Арғун», «Кўҳна кўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Яқинда талаба ёшлар имконияти чекланган тенгқурлари Озодбек Бобоёровнинг никоҳ тўйида иштирок этиб, ёш оила қувончига шерик бўлдилар. Талабалар эришаётган ютуқлар, хайрли саъй-ҳаракатларни санаб, адоғига етиш мушкул. Маҳбуба Ҳасанова, Марҳабо Шарипова сингари ёшлар «Шахс ва жамият» фанидан вилоят олимпиадасида ғолибликни қўлга киритишди.

Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақшдир, дейдилар. Талабалар буни яхши тушунишади. Шунинг учун бўлса керак, улар дарсдан ташқари бўш вақтларини ҳам фойдали юмушларга сарфлашади. Ёшлар билан хайрлашар эканмиз, интилганга толе ёр, деган нақл ёдимизга тушди. Мақсад сари талпинган талабаларга ойдин орзулари қанот бўлажак, албатта.

Бахтиёр ТЕМУР,
«Миллий тикланиш» мухбири. ®

Мамлакатимиз агросаноат мажмуига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган Самарқанд вилояти деҳқонларининг, фермеру соҳибкорларининг бой тажрибага эга эканлиги маълум. Улар етиштираётган мўл ҳосил бунинг ёрқин далилидир. Бугун кўзни яшнатиб турган кенг ғаллазорлар, ғўза майдонлари, боғу роғлар ноз-неъматга бой она юртимизнинг беқиёс саховатини кўз-кўз қилмоқда.

ЎҒИТ ТАЪМИНОТИДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ

— Фермерларга камарбастамиз, — дейди Самарқанд вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти раиси Эркин Бўронов. — Уларнинг мўл ҳосил етиштиришлари учун бор куч-ғайратимизни ишга солаяпмиз. Зиммамиздаги вазифаларни сидқидилдан адо этиб, деҳқону фермерларнинг яқин таянчига айланаяпмиз. Қишлоқ хўжалигининг бирон соҳаси йўкки, фаолиятимиз самараси кўзга ташланмаётган бўлса. Пахта дейсизми, ғалла дейсизми, ҳамма соҳанинг ривожида мутахассисларимиз меҳнатининг самараси яққол кўзга ташланиб турибди.

Дарҳақиқат, акциядорлик жамияти жамоаси фермерларнинг энг яқин ҳамкорига, таянчига айланган. Ҳукуматимиз қарорларига мувофиқ уларга хизмат кўрсатишни йилдан-йилга яхшилаб бормоқда. Қишлоқ хўжалик ташкилотлари ва фермер хўжаликларига минерал ўғит етказиб беришни қатъий назорат асосида пухта йўлга қўймоқда.

Маълумки, ғаллачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири саналади. Бу йил вилоятда мўл ғалла ҳосили учун мустаҳкам замин яратилди. Уруғликни экишдан тортиб, ғалла майдонларига ишлов бериш, минерал ўғитлар билан озиқлантиришгача бўлган жараёнларнинг ҳаммаси кўнгилдагидек адо этилди. 11867 фермер хўжалиги ўзаро шартномага мувофиқ акциядорлик жамияти кўрсатаётган хизматлардан баҳраманд бўлди. Буғдойни озиқлантириш режада кўзда тутилганидек икки маротаба амалга оширилиб, ўзининг ижобий натижасини берди.

Ислоҳот ва самара

— Вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамиятининг фермерларга кўрсатаётган хизматидан мамнунмиз, — дейди Ургут туманидаги "Қандахор — ҚХО" фермер хўжалиги раиси Носир Холиқов. — Кўп йиллардан буён 50,2 гектар майдонда деҳқончилик қилиб келаман. Шунинг 27 гектарида ғалла етиштираман. Ғаллани минерал ўғитлар билан озиқлантиришда ҳеч қандай муаммо бўлгани йўқ. Кўзлангандек ҳосил олишимизга мустаҳкам замин яратилган. Бу — ҳукуматимизнинг бизга бўлган эътибори туфайлидир.

Жорий йилда акциядорлик жамияти ўзининг вилоятдаги 11 та марказий омбори ва 84 та шахобчаси орқали ғалла майдонларини минерал ўғитлар билан озиқлантиришни бекаму кўст адо этди. Шахобчаларга минерал ўғитлар етказиб беришда четдан ёрдам, ҳеч қандай техника талаб қилинмади. Уларнинг ўзидаги техника воситалари бу юмушларни бажаришга кифоя этди. Оқдарё, Самарқанд, Иштихон туманлари мутахассислари, айниқса, ўз ишларини ташкил қилишда ўрнак кўрсатишди. Жамоа соҳадаги яқинликларни мутахассисларга, қолаверса, деҳқону фермерларга доимо етказиб бориш мақсадида тез-тез кўргазмали семинарлар ташкил этиб бормоқда. Яқинда Оқдарё туманида ғўзани суспензия усулида, яъни барг орқали озиқлантириш бўйича республика кўргазмали семинари бўлиб ўтди. Унда бутун республикамиздан келган соҳа мутахассислари, вилоятдаги фермерлар иштирок этиб, бу борада тўпланган бой тажрибалардан хабардор бўлдилар.

Айни пайтда ғўза майдонларини иккинчи маротаба озиқлантириш ишлари поёнига етказилмоқда. 103 минг 400 гектар майдонда пахта етиштираётган 7517 нафар фермерга хизмат кўрсатилаяпти. Уларнинг барчаси яратилган шарт-шароит ва холис хизматлар учун соҳа ходимларидан миннатдор бўлишяпти.

Шаҳло РАҲМОНОВА,
Рустам ДОСТОН.

Яхшилар ёди

ТОҒАЙТЎПИЛИК РАИС

Зомин туманида хушманзара Тоғайтўпи деган сўлим қишлоқ бор. Унда истиқомат қилаётганлар эл корига яраган, ҳожатталаб кимсаларни қўлидан келганича моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда ўз кучини аямаган, бутун фаолиятини эзгу ишларга бағишлаган инсонлар хотирасини доимо эъзозлашади. Ана шундай ҳурматга сазовор бўлганлардан бири Жуман Ахмирзаевдир.

У дастлаб бир неча йиллар умумтаълим мактабларида ёшларга ўзбек тили ва адабиёти фанларидан сабоқ берди. Кейинчалик чуқур билимга эга бўлган ҳамда ташкилотчилик қобилияти билан ажралиб турган устозни педагогик жамоа касаба уюшмаси раислигига сайлади. Жуман ака ўқитувчилар саломатлигини тиклашда, кам таъминланган оилалар фарзандларига ғамхўрлик кўрсатишда жомбозлик қилди. Натижада тез орада раҳбарлар эътиборига тушди. Уни оқсоқланаётган "Зарбдор" бўрдоқичилик хўжалиги директори ўринбосари вазифасига таклиф қилишди. У ишни хўжаликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашдан бошлади. Бу — бўрдоқичиликни оёққа турғазишда катта омил бўлди. Эришилаётган муваффақият ҳам шунга яраша бўлди. Хизматчиларнинг иш ҳақи ошиб, моддий фаравонлиги ўсди. Жамоанинг ютуқлари нафақат вилоятда, балки республика миқёсида тан олинди. Бунда, албатта, Жуман Ахмирзаевнинг ҳам ҳиссаси бор.

Ишни тўғри ташкил қилиш қобилиятини ҳисобга олиб Ахмирзаевни "Гулшан" қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига сайлашди. У бу лавозимда ўн беш йилдан ортиқроқ фаолият юритди. У киши бу вазифада ҳам тинибтинчимади. Аҳоли саломатлини ўйлаб, қишлоқ врачлик пункти (ҚВП)ни ташкил қилишда ташаббускорлик кўрсатди. "Тешиктепа" ҳамда "Гулшан" маҳаллалари ўртасидаги йўл асфальтлаштирилди. Хонадонларга тоза ичимлик суви келтирилди.

Хуллас, "Халқ маорифи аълочиси", "Хизмат кўрсатган ўқитувчи" унвонларига мушарраф бўлган жонкуяр муаллим одамлар орасида ўзидан яхши ном қолдирди. Бугунги кунда унинг беш нафар фарзанди ва неваралари боболарининг элга қилган хизматлари билан фахрланишади.

Дарвоқе, яқинда 27-умумтаълим мактабида ўқувчи-ёшлар ўртасида спорт бўйича Жуман Ахмирзаевнинг хотирасига бағишланган турнири бўлиб ўтди. Унда қишлоқ аҳлининг 200 нафардан ортиқ ёшлари иштирок этди.

— Ушбу мусобақанинг бизнинг ҳудудда ташкил қилинишида рамзий маъно бор, — дейди мактаб директори Шодиёр Эрматов, — мазкур ўқув даргоҳининг янги биносини қурилишида марҳум Жуман ака алоҳида хизмат кўрсатган. Замонавий талабларга жавоб бера оладиган кенг ва ёруғ хоналарга эга бўлган мактабимиз техника воситалари, жумладан, 15 тадан ортиқ компьютер жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган. Бу ўз навбатида таълим бериш сифатини оширишга катта имкон яратди. Болажонларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Шу боис, устозга бағишланган хотира турнирини анъанага айлантирмоқчимиз.

Ҳа, яхшидан боғ қолади, деган гап бор. Ўзи туғилиб ўсган юртга меҳр қўйиб, эл ташвишида фидойилик билан меҳнат қилганларни ҳеч ким унутмайди. Хотирлаш эса миллий қадриятимизнинг бардавом этаётганлигидан далолатдир.

Норқул МАМУР,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Миллий қадриятимизни ўзида акс эттирган зардўзлик касби қадим-қадимдан аждодлардан меросдир. Буни чуқур ҳис этган бугунги ёшларимиз момолар анъаналарини давом эттириб, ардоқлашмоқда. Дил меҳри ва қалб қўрини унга бахш этиб, зардўзлик сирларини пухта эгаллашмоқда.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Хавотир

ЎЗЛИККА РАХНА ЭМАСМИ?

Меҳмондўстлик, бағрикенглик, оқибатлилик, диёнатлилик хусусиятлари билан миллатимизни улуғлаймиз ва ўзлигимизни айнан улар уйғунлигида танигандек бўламиз. Ана шу фазилатлари билан ўзбекни дунё танийди.

Тараққиёт деймиз, глобаллашув деймиз. Уларнинг таъсирида ўзлигимизни йўқотиб қўймаяпмизми? Гоҳо транспортда баъзи арслондек йигитларнинг ўриндиқни эгаллаб олганларини, ожиза дея таъриф бериладиган қизларнинг, аёлларнинг тик оёқда туриб кетаётганларини кўриб: «Ҳа, замон тескари», — деб қўямиз ичимизда. Қизиқ, бир жойда турган замон тескаримикин ёки...

Ачинарлиси шуки, бу аҳволга кўпинча оддий ҳолдек қараб, ажабланмай ҳам қўйдик. Бу ҳолатлар секин-секин ўзбекона сифатларимизга рахна солмаяптимикин?..

Севара АБДУСАЛОМОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

Бир тоифа инсонлар бор. Сизга қилган яхшилигини ўзгалардан ҳам сир тутади. Сўраб-суриштирибми ёки тасодиф туфайлими, ўша мурувватли кишилар номини билиб қоласизу миннатдорчилик изҳор этай десангиз, шу яхшиликни мен қилдим, деб ҳам айтмайди.

ЯХШИЛИК ҲАМ БИР ИБОДАТ

Шу мақола баҳонасида шахсан ўзимга қилинган ана шундай яхшиликлардан айримларни эсга олгим келади. Эҳтимол, бу билан биз Аллоҳ ризолигини тилаб иш тутган ўша инсонларнинг яширин яхшилигини матбуот саҳифаларига олиб чиқиб балки хато қилаётгандирмиз. Бироқ уларнинг бундай жўмардлигини билиб туриб индамай кетавериш ҳам инсофдан эмасда...

Хуллас, бурноғи йилимидийкин республика радиоси орқали бир туркум шеърларимиз билан эфирга чиқдик. Кўп ўтмай ўқиган нарсаларимиздан айримлари «Ҳидоят» журнали таҳририятида ҳам чоп этишга тайёрлаб қўйилганидан хабар топдик. Ҳарчанд уринмайлик, қани энди биронта одам матнларни радиодан журнал таҳририятига мен элтиб бердим, деб тан олса... Ички бир туйғу бу саъй-ҳаракат имони саломат укахонларимиздан Вафо Файзуллоҳ ва Муҳаммадбобур Мўминовлар иши эканлигини шивирлаб турар эди. Эҳтиромга шайландик. Қаранг-ки, инсонларга яхшилик қилиб лаззатланиб яшайдиган бу биродарларимизнинг ҳар иккови ҳам шу ишни мен қилдим, деб тан олмадилар. Саволни сал кўндалангроқ қўйишга тўғри келди:

Ўзбек феъли

— Хўп, ундай бўлса, радиода сақланаётган қўлёзмаларни кўчириб, журналга элтиб берган олижаноб одам ким бўлиши мумкин? — сўрайман Бобуржон Мўминовдан. Суҳбатдошим шу аснода ишонарлироқ ёлғон тўқишга тайёр эмас эди албатта, ва деди:

— Тўғриси, бу дўстимиз Вафо Файзуллоҳнинг иши. Бир гал келганда, шу шеърларни «Ҳидоят»да ҳам чиқарсак яхши бўларди, деб юрувди...

Биз ишондик ва ўша шоир укамиз ҳақида дуолар қилдик. Иттифоқо, бир издиҳомда Вафобекка ҳам миннатдорчилик изҳор этиш имконияти туғилиб қолди. Шоирнинг жавоби эса бизни ҳайрон қолдирди:

— Йўқ, қўлёзмаларни Бобуржоннинг ўзи атай келиб бизга қолдириб кетди.

Ана сенга инсон сир-синоати, дейман ичимда ўзимга ўзим. Шу воқеадан кўп ўтмай, яна бир меҳрибон синглимиз — «Ўзбекистон» радиоси муҳаррирларидан бири Султонпошша Ёқубова сим қоқиб, Интернетнинг www.ziyouz.com. сайтидан бир туркум шеърларимиз жой олганлигини, олти ой ичида уларни юздан ортиқ муштарий кириб мутолаа қилганлигини айтиб қолди. Риёзат чекиб, бизнинг камтаргина ижодимиздан намуналарни Интернетнинг «Замонавий ўзбек шеърияти» саҳифасига олиб кириб жойлаган олижаноб инсон ким бўлса экан деб ўйладим...

Турган гапки, бу борадаги «изланиш»ларимиз ҳам худди юқоригидай, самарасиз кетди. Бу яхшиликни ҳам дадил бўйнига оладиган «мард» топилганича йўқ.

Шеърларимиз «Ҳидоят» журналида босилиб чиқиб ҳам кетди. Интернет сайтида ижодимиздан намуналар ҳамон ўқилмоқда. Аммо қалбимизни тўлқинлантириб турувчи бу яхшилик соҳибларига раҳмат айтиш биз учун ҳануз армон...

Кимсиз, эй яхши одамлар? Яхшилик ҳам ибодат, дейдилар. Дунё меҳвари яхши инсонлар шарофати ила обод ва мустаҳкам.

О, яхшилар! Нима ҳам дердик. Аллоҳ ризолигини тилаб қилган эзгу ишларингиз учун беражак ажру савобларини Ўзи зиёда қилсин!...

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Марказий кенгаш мутахассиси Дилбар Қобуловага волидаи муҳтарамаси **Рухабза ая АСХАНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги ПФ-3968 сонли «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

TURON BANK

Ўзбекистон Республикаси аҳолисига миллий валютада қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

«ЁШЛИК» — йиллик 30 фоиз, омонат муддати 3 ой, фоизлар ойма-ой ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

«ИШОНЧ — 1» йиллик 27 фоиз, омонат муддати 3 ой, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг миллий валютада тўланади.

«ИШОНЧ — 2» йиллик 28 фоиз, омонат муддати 6 ой, фоизлар мижоз талабига кўра омонат расмийлаштирилгандан сўнг 3 ой муддатда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

«ИШОНЧ — 3» йиллик 27 фоиз, омонат муддати 12 ой, фоизлар мижоз талабига кўра ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

Фармонга асосан 2008 йил 1 апрелдан — 2009 йил 1 апрелгача бўлган даврда истаган киши банкларда ўз депозит ҳисобварақларини очиши, унга миллий ва хорижий валютадаги чекланмаган миқдорда маблағини қўйиши мумкин.

Маблағни келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилмайди.

- Турон банк мижозларнинг омонатга қўйган пул маблағлари сир сақланишини кафолатлайди.
- Омонатга қўйилган пул маблағларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.
- Омонатга қўйган маблағларингиз ҳисобига олинган даромадингиз солиққа тортилмайди.

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Пул муомаласи бош бошқармаси	244-32-32.
Валюта амалиётлари бош бошқармаси	244-25-64.
Кредитлаш бош бошқармаси	244-30-44.
Марказий амалиёт бошқармаси	244-25-76.

1. Андижон филиали	8-374-22-2-19-09,	5-60-40.
2. Бухоро филиали	8-365-22-4-35-16.	
3. Олот филиали	8-365-34-2-10-37.	
4. Навоий филиали	8-436-22-4-21-09.	
5. Қарши филиали	8-375-22-6-01-57.	
6. Шаҳрисабз филиали	8-375-52-2-53-60.	
7. Наманган филиали	8-369-22-6-25-46,	6-64-39.
8. Нукус филиали	8-361-22-2-15-16,	2-11-43.
9. Самарқанд филиали	8-366-2-31-07-72,	31-04-26.
10. Сурхондарё филиали	8-376-22-3-15-11,	3-18-99.
11. Сирдарё филиали	8-367-22-7-22-64,	7-23-08.
12. Фарғона филиали	8-373-22-4-06-21,	4-06-17.
13. Хоразм филиали	8-362-22-5-26-37,	5-26-16.
14. Жиззах филиали	8-372-22-2-21-41,	2-21-98.
15. Зангиота филиали	150-20-24.	
16. Бўка филиали	8-370-57-35-190.	
17. Миробод филиали	150-10-10.	

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш — Ижтимоий-сиёсий газета — MILLIY TIKLANISH

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 233-67-51. Бўлимлар — 236-58-73.
E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

® - Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топшириш вақти 22.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 523.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2848
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 6

Босишга топширилди — 21.00